

ETNOGRAFIYA

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА ВА АДАБИЁТЛАРДАГИ ТАВСИФИ (XIII-XX аср бошлари)

Очил Бўриев,

Қарши давлат университети профессори

Муртоз Усмонов,

Қарши давлат университети доценти

Аннотация. Ушбу мақолада XIII–XX аср бошларида Қашқадарё воҳаси аҳолисининг тарихий-этнографики адабиётлардаги тавсифи ёритилган.

Аннотация. В этом статье раскрываются историографии этнографии населения Кашкадарьинского оазиса в XIII начале – XX вв.

Summary. This article describes the historiography of the ethnography of the inhabitants of the Kashkadarya oasis in the 20^s-40^s of the 20th century.

Калит сўзлар: XIII-XX аср бошлари, Туркистон, Россия, Қашқадарё воҳаси, тарихий-этнографик адабиётлар, кундаликлар, хотиралар, сайёҳлар, олимлар, миссионерлар, зобитлар, Россия мустамлакачилик сиёсати ва мафкурасини кўзловчи асарлар.

Ключевые слова: XIII – начале XX вв, Туркестан, Россия, Кашкадарьинский оазис, историко-этнографическая литература, дневники, воспоминания, путешественники, ученые, миссионеры, офицеры,

Key words: 13th – early 20th centuries, Turkestan, Russia, Kashkadarya oasis, historical-ethnographic literature, diaries, memories, tourists, scientists, missionaries, officers, Russian colonial policy and ideology.

Қашқадарё воҳаси тарихи ва этнографияси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар ва чоп этилган асарлар даврларга қараб қуйидаги уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир: XIII – XX аср бошларида чоп этилган нашрлар ҳам муҳим аҳамиятга молик дейиш мумкинки, қуйида шу мавзуга қисқача шарҳлар

берилади.

Ривожланган ўрта асрларда Европадан Ўрта Осиёга ташриф буюрган элчилик миссияси вакиллари ва сайёҳлар кундаликлари, асарлари, ҳисоботларидаги муҳим маълумотлар микдори ортаган. Улар ҳаётида XIII аср ўрталарида Ўрта Осиёга ташриф буюрган Плаио Карпини, Вильгел Рубрик, Марко Поло, Иоганн Шилтбергер, Руи Гонсалес де Клавихо (XV аср бошлари) ва бошқаларнинг асарларида муҳим этнографик маълумотларни учратиш мумкин (Джованни дел Плаино Карпини. История монголов, которых мы называли татарами. – Пер. старо-французского А.И. Малена. – Путешествия Плаино Карпини Вильгельма Рубрика. –М.: Географизда. 1957. С.88-195; Марко Поло. Книга о разнообразии мира. Пер. И. Минаева. –М.: ЭКСМО, 2005. -148 с; (И.Шилтбергер) Путешествия Иоганна Шилтбергера по Европе Азии и Африке (1394 по 1427 г.) Пер. с немец и снабдил комм. Ф.Брун –Т.: “Шарқ”, 1997. С.41-45; Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406 гг) Пер. с стороипанского, предисл. и комм. И.С.Мироковой. –М.: ГРВЛ, 1990. -212с; Клавихо Г. История Великого Тамерлана. Тамурлана. Эпоха Личность. Деяния. –М.: “Тураш”, 1992. С.299-344; Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амур Темур саройига саёҳат (1403-1406) –Т.: “Ўзбекистон”, 2019)

XVI-XVIII асрларда Бухоро хонлиги, хусусан, Қашқадарё воҳаси этнографиясига бағишланган асарлар кам учрайди. Улар ичида 1558 йилда Бухорога ташриф буюрган А.Женкинсон, XVI аср бошларида хонликда

бўлган Ф.Беневени, XVII аср бошида 9 йил асирликда сакланган Ф.Ефимов ҳамда Н.Хохлов ва бошқалар асарларини алоҳида айтиб ўтиш лозим (Дженкинсон А. Путешествия в Средней Азии 1558-1560 гг. – Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. Пер. Ю.Готье Придиск. Г.Новицкого –М.: “Соцэкгиз”, 1937. -307с; Вселовский Н.И. Хохлов Иван Данилович. Русский посланник в Персию и Бухару в XVII в. –Н.И. Вселовский. –СПб., Тип. В.С.Балашева. И. К о, 1891. -28 с; Посланник Пётра I на Востоке; посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718-1725 гг. Подг., текста, вступ. ст. и коммент. В.Г. Воловникова. От. Ред. В.Г. Халфин –М.: Наука, ГРВЛ. 1986. -160с).

Мазкур асарлардаги маълумотлар кўпроқ Бухоро хонлигига доир бўлсада, Қашқадарё воҳасининг шаҳарлари тузилиши, мудофаа тизими, хунармандчилик турлари ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтирилганлиги диққатга сазовордир.

Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадларидаги Қашқадарё воҳаси аҳолиси этнографияси бўйича баъзи маълумотлар хорижий ва рус сайёҳлари, зобитлари ва миссионерлари асарларида учрайди.

Ҳинд сайёҳи Мир Изатулла 1812 йил 20 апрелда Деҳли шаҳридан бошланган (20 ой давом этиб, 1813 йил 16 декабрда ниҳоясига етган) саёҳати бўйича «Маъсир-и Бухорий» («Бухорога саёҳат») номли асарида 1813 йилда Қарши шаҳрида бўлганлигини ёзиб қолдирган (Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. –Т.: «Akademiya», 2008. Б.192-193).

1820 йилда А.Ф. Негри бошлиқ Россиядан Бухорога юборилган дипломатия элчилиги аъзоси бўлган Е.К. Мейендорф уч қисмдан иборат “Оренбургдан Бухорога саёҳат” асарини ёзган. Асарнинг энг қимматли қисми учинчи қисми ҳисобланиб, унда Бухоро хонлигининг географик ўрни, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, давлатнинг бошқарув шакли тизимли тарзда баён этилган. Е.К.Мейендорф 1820 йилда Бухорода бўлганида амирликдаги йирик аҳоли маскани ҳисобланган Қарши шаҳри, асосан кўплаб савдо йўллари устида жойлашганлиги ҳақида ёзган (Мейендорф

Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: «Наука», 1975. – 182 с.).

Муаллифнинг ёзишича, Ҳирот ва Кельифдан келаётган карвонлар энг аввало Қарши шаҳрида тўхташиб, бозордан турли қорақўл терилари, қуруқ мевалар, пахта хом ашёси толалари маҳсулотларини сотиб олишган. Қарши амирликнинг муҳим стратегик аҳамиятга молик шаҳри ҳисобланганлиги учун шаҳар гарнизонида икки уч минг нафар киши доимо хизматда бўлган. У бу асарида Ўрта Осиё маҳаллий тарихчилари асарлари ҳамда бу ҳудудга ўзидан олдин ташриф буюрган Европа саёҳатчилари ёзиб қолдирган хотираномалардан кенг фойдаланган (хусусан, А.Женкинсон, А. Бекович-Черкасский, Ф. Беневени, Т. Бурнашев хотираларидан), А.Борнс, П.И. Демезон, П.Савельев, К.Бутенов, Н.Хаников ўз асарларида эса Бухоро амирлигининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, маъмурий-ҳудудий тузилиши, амирликнинг Россия империяси вассалига айлантирилиши масалаларига ҳамда воҳанинг этник таркиби, ижтимоий-иқтисодий аҳволи баён этилган (Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. –М., 1975; Борнс А. Путешествие в Бухару в 1831, 1832 и 1833 году. В 3-х томах. – СПб.: Тип. П.В.Голубкова, 1848. Т. 11; 1849. Т.111; Демезон П.И. Записки о Бухарском ханстве. –М., 1983; Савельев П. Бухара в 1835 году // С присоединением известий обо всех европейских путешественниках, посетивших этот край до 1835 включительно. – СПб., 1836; Бутенов К. Результат метеорологических наблюдений на пути из Оренбурга в Бухару во время пребывания в ней 1841-1849 гг. –СПб., 1843; Ханыков Н. Описания Бухарского ханства. – СПб., 1843)

Дастлабки этнографик маълумотлар XVIII-XIX асрларнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёга келган саёҳатчилар Ф.Беневени, И.Гладишчев, Д.Муравин, Д.Рукавкин, Т. Бурнашев, М.Поспелов, Ф.Ефремов, Ф.Назаров ва П.И.Небольсинлар томонидан амалга оширилган. Ушбу асарларда бевосита ўзбекларнинг руҳияти, диний эътиқодлари, урф-одатлари, кийим-кечаклари ва уй-рўзғор ашёлари каби маълумотлар берилган.

П.Небольсин Бухоро амирлиги аҳолисининг чой ичиш удумига, хусусан, ширчай ва минтакага хос айрим гўшти таомларига эътибор қаратган. У аҳолининг миллий кийимлари ва маҳаллий матолари тўғрисида ҳам маълумотлар бериб ўтган.

XVIII асрда Бухорода яшаган ва ўзининг «Ўн йиллик саргузашт» китоби билан маълум бўлган Филипп Ефремов ҳам ўлкамиз аҳолиси ҳақида фикр юритиб: «Зарбоф ва кумуш безакли кундал, атлас, духоба, майсалар тасвири туширилган нимшойи газламалар ва бошқа хилма-хил матолар тўқийдилар», деб ёзган, эди.

Ост-Индия компанияси зобити А.Бёрнс 1831-1833 йилларда Ҳиндистон, Афғонистонда, сўнгра Бухорога келган. У ўзининг «Бухорога саёҳат» асарида 1832 йил июлида Қаршида 4 кун бўлганлиги ҳақида маълумотлар берган (Бёрнс А. Путешествие в Бухару. Ч.I. М., 1848. – 528 с. Ч.II. – М., 1849. – 628 с; ч.III. – М., 1849)

Ўрта Осиё халқлари этнографиясига оид кўплаб маълумотлар илк тўпланган давр, асосан XIX асрга тўғри келади. Бу даврда иқтисодий жиҳатдан анча кучайган подшо Россияси ўз саноати маҳсулотига янги бозор ва хом ашё манбалари учун Ўрта Осиёни стратегик жиҳатдан муҳим деб билган. Рус ҳукумати Ўрта Осиё халқлари тўғрисида илмий жиҳатдан асосланган маълумотларга эга бўлиш мақсадида бу ерга махсус тайёрланган билимли кишилардан иборат экспедициялар юборган. Бундай экспедицияларнинг асосий таянчи бўлган Оренбург шаҳри бу илмий ишда муҳим ўрин тутган.

Рус миссионери Николай Хаников Оренбургда махсус топшириқлар вақтида (1841-1842) муҳандис К.Ф.Бутенов миссияси билан Бухорода бўлган. XIX аср ўрталарида Бухоро хонлигини салмоқли ёритувчи асар яратган. Академик В.В.Бартольднинг фикрича, Н.Ханиковнинг бу асари ундан кейин Бухоро хонлигига келиб, анча яхши шароитда ишлаган рус тадқиқотчилари ичида яратилган энг мукамал асар ҳисобланади. Ушбу асарда Бухоро хонлигида яшаган аҳолининг этник таркиби, антропологик тузилиши, ҳўжалик фаолияти, ижтимоий турмуши, турар жойлари, кийим-

кечаклари, озиқ-овқатлари ва миллий урф-одатлари тўғрисида маълумотлар беради.

1842 йилда Қаршига келган рус миссионери Н.Хаников шаҳар ҳақидаги ўз таассуротларини «Бухоро хонлигининг тафсилоти» асарида батафсил ёзган. «Шаҳар уч қисмга бўлиниб, учта қалин девор билан ўралган». Шунингдек, муаллиф шаҳар икки: янги ва эски қисмга ажратилганлиги, марказий бозор янги шаҳарнинг жанубий томонида жойлашганлиги ҳамда бозорда якшанба ва шанба кунлари савдо қилиниши ҳақида маълумотлар берган. Қаршида куз фасли охири ва қишининг бошларида чорва моллари билан савдо қиладиган туркманлар бозорга гилам ва отлар келтириб сотишган. Қаршиликлар четга асосан тамаки, ярим ипак мато – олача чиқаришган.

Н.Хаников маълумотида кўра, тўртта дарвозаси, учта карвонсаройи, тўртта мадрасаси, битта йирик жомеъ масжиди ва бир неча маҳалла масжидлари мавжуд бўлган. У Қашкадарё кўприги ҳақида ҳам тўхталган (Бу ҳақда қаранг! О.Бўриев. Н.Ханиковнинг «Бухоро хонлиги тавсилоти» асари этнографик манба сифатида. Қарши ДУ хабарлари, 2022 йил 1-сон, Б.64-66).

Венгер сайёҳи ва олим А.Вамбери Қаршига 1863 йилда келиб, кейинчалик ўз таассуротларини «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» асарида баён этган (Вамбери Г. Очерки Средней Азии. М., 1868; Шу муаллиф. История Бухары или Трансаксония с древнейших времен до настоящего. –СПб, 1873). У Қарши шаҳри аҳолисининг аксарият қисмини ўзбеклар ташкил этишини, шунингдек шаҳарда тожиклар, афғонлар, ҳиндлар, яҳудийлар ҳам истиқомат қилганликларида тўхталган. Яҳудийлар Қаршида деярли ҳуқуққа эга бўлишган. Қарши шаҳри Бухоро хонлигининг Афғонистон ва Ҳиндистон билан олиб бориладиган халқаро савдосида транзит вазифасини ўтаган ва бу даврда шаҳарда 10 та карвонсарой фаолият кўрсатган (О.Бўриев. Қарши шаҳри А.Вамбери тавсифида. –“Соҳибқирон юлдузи”, 2022 йил 1-сон, Б.96-101).

Америкалик дипломат Южин Скайлер 1873 йилда – Россия империяси Ўрта Осиёда ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган – Бухоро

хонлигининг бир қисми эгалланиб, ўз мустақиллигини бой берган, Хива хонлиги қарши фаол ҳарбий ҳаракатлар, Қўқон хонлигида низолар кучайган паллада ўлкага ташриф буюрган. У Ўрта Осиёга келган америкалик саёҳатчиларнинг дастлабки вакили бўлиши билан бирга АҚШ ҳукуматининг Россиядаги дипломатик вакили ҳам эди. Айнан шу даврда у Ўрта Осиёга саёҳат қилиб, сафар натижалари ҳақида АҚШ Миллий География жамиятига батафсил маълумотларни жўнатиб, икки жилдан иборат “Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари” китобини чоп эттирган (Лондон, 1885).

Южан Скайлернинг “Туркистон” номли тадқиқотида халқларнинг этник таркиби, ўлка табиати, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ, хунармандчилик маҳсулотларидан гилам, кигиз, жун рўмоллар, эгар, пичоқ, этикдўзлик кулолчилик, бўз, олача, қалама, беқасам, адрас, шойи, ипак, духоба каби матоларнинг ранги, тўқилиши, кийим-кечаклар, заргарлик буюмлари, ошхона идиш-товоқлари, аҳолининг урф-одатлари, турмуш-тарзи борасида қизиқарли маълумотларни баён этган (Скайлер Ю. Туркистон. Ўзбек тилида. З.Саидбобоев таржимаси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2019. -336 б).

Ю. Скайлер Тахтақорача довони орқали Китоб, Шаҳрисабз, Чирокчи, Қарши орқали Бухорога ўтиб кетган, ушбу асарида воҳа аҳолиси ҳақида баъзи маълумотлар мавжуд.

1868 йилда Туркистон генерал-губернаторлигида ишлаган шарқшунос олим П.И.Пашино маҳаллий халқларнинг этнографиясига оид маълумотлар, яъни Марказий Осиёнинг бўялган ипларидан тўқилган матолар рангининг ўчмаслиги билан фарқланиб туришини ҳамда ипак, пахта ва жун матолари ҳақида баён этган.

1875 йил октябрда Бухоро амирлигига Н.А.Маев раҳбарлигида экспедиция юборилиб, мазкур экспедиция Қашқадарё воҳасида бўлган, воҳанинг тарихи ва этнографиясига оид маълумотларни тўплаб, ёзиб қолдирган (О.Бўриев Рус сайёҳи Н.А.Маевнинг “Бухоро хонлиги очерклари”

асари ва унда Қашқадарё воҳаси тавсифи. – Давр, замон, шахс. –Т.: “Тафаккур”, 2020. Б.5-11).

Н.А.Маев Қарши шаҳрида 10 та масжид мавжуд эканлигини қайд этган (Маев Н.А. Очерки Гиссарского края. – МСТК, вып. V. 1879; Шу муаллиф. Очерки горных бекств Бухарского ханства. – МСКТ, Вып. V. 1879; Шу муаллиф. Очерки Бухарского ханства. –МСКТ, Вып. V. 1879; Шу муаллиф. Бухоро хонлиги очерклари. Рус тилидан И.Ботиров тарж. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2012. -180 б). “Туркестанские ведомости” газетасининг бош муҳаррири бўлиб ишлаган Н.А.Маев 1875 ва 1878 йилларда ўтказилган Ҳисор экспедициясида қатнашган. Унинг “Бухоро хонлиги очерклари”да Шаҳрисабз, Қарши, Китоб, Ғузор шаҳарларининг географик жойлашуви, аҳолисининг хўжалик турларига оид маълумотлар келтирилган.

Маълумки, жаҳон халқлари этнографиясини илмий ўрганиш XIX аср ўрталарида бошланган. Чунки бу даврда дунё халқлари ўртасидаги иқтисодий-маданий асослари, мустамлакачилик, савдо-сотиқ ўсган. Айнан Ўзбекистонда ҳам этнографик изланишлар шу пайтдан бошлаб кучаяётган, кўплаб этнографик экспедициялар уюштирилган. Аҳоли этнографиясини ўрганиш аниқ дастур асосида олиб борилган.

1895 йилда Тошкента Археология хаваскорлари Туркистон тўғараги ташкил этилиши туфайли ўзбек халқи этнографиясига оид маълумотлар тўплашга алоҳида эътибор қаратилган. Шу даврдан бошлаб Саттархон Абдуғафоров, Мирзо Барот, Мулло Қосимов, Муҳаммад Вафо, Г.Арандаренко, Л.С.Берг, В.Л.Вяткин, М.Ф.Гавриев, А.Д.Гребснкин, А.А.Диваев, И.И. Иброхимов, А.В. Каульбъхс, П.Е. Кузнецов, Д.Н. Логофет, Н.А.Маев, А.Е.Снесарев. М.С. Андреев, А.А.Семенов, А.Ф.Петровский, А.П.Шишов, В.Н.Наливкин, Н.Г. Маллицкийлар томонидан ўзбек халқи этник тарихи ва этномаданиятига оид маълумотлар тўпланган.

Ушбу тадқиқотчилар томонидан турли йилларда ва турли даврларда тўпланган

этнографик материаллар ҳозирги даврда ҳам муҳим манба деб ҳисоблаш мумкин (А.Аширов, XX аср бошларида Ўзбекистонда этнографик тадқиқотларни шаклланишга доир айрим мулоҳазалар – «Ўзбек этнографияси: анъаналар ва инновациялар» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2022 йил 25 май. –Т., 2022. Б.26-27)

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Ўзбекистон, жумладан Қашқадарё воҳаси аҳолиси бўйича этнографик маълумотларни рус армияси Бош штаби зобитлари, сайёҳлар асарлари, ҳисоботлари ва кундаликларида учратиш мумкин (Бекчурин И. Шахрисабзское владение на рассказам Джурабека и Бабабека. – МСТК, вып. 2 – М., 1878; Еврейнов. Рекогносцировка пути через Джамской перевал на Гузар и на Керки 1887 г. Генерального штаба кап. Еврейнова. – СМА, - СПб., 1888. Вып. 36. С.112-146; Полк. Белявский. Описание обреченного участка, заключающего пройденные пути в пределах Шахрисабзь, Гузарского бекства из части нагорной Дербентской возвышенности –СМА, Вып. 57. 1894. С. 8-153; Полк. Фёдоров. Очерк Гузарского, Куйтангского и Келифского амлякдарство Кешского бекств. – СМА, Вып. 57. – СПб., 1894; Снесарев А.Е. Восточная Бухара (Военно-географической сборник) – СМА, вып. 79. – СПб., 1906; Ражовица Р.Ю. Поездка Южную и Среднюю Бухару в 1906 г. – ИРГО. Т.74. – СПб., 1908)

Воҳа аҳолиси этнографиясига оид маълумотлар рус муаллифлари А.Д.Гребенкин (Узбеки. – СРТ, вып. 2. –М., 1872), А.П.Хорошхин (Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. – СПб. 1876), А. Кун (Очерки Шахрисабзского бекства. ЗРГО по этнографии. – СПб., 1880. Т.12), И.Л.Яворский (Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству 1876-1879 гг. т. 1. – СПб. 1882. -387 с), Г.А.Арандаренко (Цистерны в Каршинской степи –Досуги в Туркестане 1879-1889 гг. – СПб. 1889), Н.Ф.Ситняковский. К генеалогической таблице узбекского рода Кунград. – ИТОРГО, -Т., 1907. Т.7), Д.Н.Логофет. Бухарское ханство под русским протекторатом. Ч.1,2 –СПб., 1911)

асарларида ҳам мавжуд.

XIX асрнинг 2 ярми ва XX асрнинг бошларида Россия империяси ва Англиянинг расмий ва ҳарбий доиралари вакиллари баён этган эсдаликлар, ҳарбий ҳисоботлар ҳамда шу даврда битилган тарихий асарлар қаторига В.В.Крестовский, М.А.Терентьев, С.В.Жуковский, Д.Н.Логофет, И.Бекчурин, И.Яворский, Г.Аминов, Н.Маев, Б.Литвинов ва бошқа муаллифларнинг асарларини киритишимиз мумкин (Кун А.А. Очерки Шахрисабзского бекства \\\ ЗИРГО по отделению этнографии.Т.6.-СПб.,1880 Вамбери А. Путешествие по Средней Азии в 1863. – СПб, 1865; Галкин А. Краткие очерки Бухарского ханства. – СПб, 1980. Крестовский В.В. В гостях в эмира Бухарского. - СБб. 1887 Логофет Д.И. В горах и на равнинах Бухары. -М., 1910; Ўша муаллиф. Бухарское ханства под русским протекторатом. -СПб.,1911; Бекчурин И. Шахрисабзские владения по рассказам Джурабека и Бабабека // -МСТК. Ежегодник. –СПб., 1873; Яворский И.Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878- 1879 гг.- СПб, 1882. Т.І; СПб, 1883. Т.ІІ; Маев Н. Очерки Бухарского ханства. -СПб, 1879; Шу муаллиф. Город Карши // Туркестанские ведомости. 1879, №24-25; Литвинов Б. Карши // Туркестанские ведомости, 1910, № 114-116).

Юқорида таъкидлаб ўтилган ва бошқа кўпгина асарлар кўпроқ ҳисобот тарзида ёзилган бўлиб, уларда, асосан, Бухоро амирлигининг сиёсий тарихи масалалари анча кенг баён этилган бўлса-да, шаҳарлар тарихи, хусусан, Қашқадарё воҳаси этнографиясига доир маълумотлар кам учрайди. Ушбу давр тадқиқотларининг асосий қисмида Бухоро амирлиги, хусусан, Қашқадарё воҳаси бекликларининг сиёсий тарихи, қолаверса, ўлладан олиб чиқиб кетилган ҳунармандчилик маҳсулотлари, ҳунармандчилик марказларининг таърифи, кўрғонлар, уй-жойлар, бозорлар, кўчалар, масжид-мадрасалар, боғ-роғлар, ўлка аҳолисининг этник таркиби ҳақида айрим маълумотлар учрайди.

Шу билан бир қаторда, айрим муаллифлар эса ҳарбий масалага кўпроқ эътибор қаратган ҳолда, воҳа шаҳарларига

боровчи йўллар, мустаҳкамланган айрим аҳоли пунктлари, кўрғонларнинг тузилиши ҳақида маълумотлар тўплаган бўлиб, кейинчалик бу маълумотлар Қашқадарё воҳаси тарихининг турли соҳаларига доир тадқиқотларга манба сифатида қўлланилган.

1916 йилда И. Кастанье ва Л.Зиминлар Қашқадарё воҳасининг айрим ҳудудларида тадқиқотлар олиб боришиб, Қарши шаҳрининг қадимий ўрни, шаҳар қалъаси қолдиқлари, Заҳҳокки Марон, Шуллиуктепа ёдгорликларидаги кузатувлари ҳақида ҳамда шаҳарнинг XIX асрдаги тузилиши, савдо муносабатларидаги мавқеи, иқтисодий ҳаёти ҳақида қисқача тўхталиб ўтган.

XIX аср охири – XX аср бошларига оид материаллар ва илмий манбалар подшо Россияси даврига тегишли. Ўрта Осиё ерлари географик шароитига қараганда яқин, иқтисодий ва табиий жиҳатдан бой, сиёсий ва стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги учун рус сармоядорлари ва йирик ер эгаларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда Россия ҳукуматининг диққатини ўзига жалб қилган. Ўрта Осиё хонликлари билан подшо Россияси ўртасидаги кўп асрлик савдо-иқтисодий муносабатлар, Сибир йўлида Оренбург губерниясининг ташкил топиши, бу икки ўлкани иқтисодий жиҳатдан бир-бирига яқинлаштириб, босқинчилик сиёсатига ўтган Россия ҳукуматининг талончилик ниятларини амалга оширишга шарт-шароит яратган. Натижада XIX асрнинг 60-80 йилларида Россия империяси Бухоро ва Хива хонликларининг катта қисмини, Қўқон хонлигини эса тўлиқ босиб олган.

Подшо Россияси Ўрта Осиё ҳудудини босиб олганидан сўнг, уни ўз мақсадларида ўрганишга киришиб, ўлкада илмий экспедицияларни амалга оширган. Маҳаллий аҳолини этнографик жиҳатдан тузилишини ўрганиш ҳам аслида шу даврдан бошланган. Подшо Россияси давригача ўзбеклар ҳаёти фақат сайёҳ ва элчиларнинг мукамал бўлмаган маълумотлари асосида ёритилган, яъни этнографик аҳамиятга эга бўлмаган. Айрим саёҳатчиларнинг тўплаган этнографик маълумотлари ноаниқ бўлиб, кўпгина далиллар ноаниқ берилганлигини кўриш мумкин.

Россия империяси Ўрта Осиё халқларининг тарихи ва этнографияси, археологиясини ўрганиш мақсадида ноёб библиографик асар – «Туркистон тўплами» (594 жилддан иборат) яратилган. Туркистон археология ҳаваскорлар тўгараги (асосчиси В.В.Бартольд (1869-1930) ва б), «Император Рус география жамияти»нинг Туркистон бўлими, «Император шарқшунослари жамияти» нинг Тошкент бўлими, Ўрта Осиё илмий жамияти тузилди ва ноёб «Туркистон альбоми» яратилган. Альбомнинг асосий ғояси Туркистон ва ундаги ҳаётни археология, тарих, антропология, этнография, санъат жиҳатидан тасвирлаб беришдан иборат бўлган.

Тўпламдан жой олган И.О.Краузининг ёғ ва вино ишлаб чиқариш, Парамоновнинг кўнчилик ва дегрезлик ҳақидаги мақолалари маҳаллий аҳолининг хўжалик тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилган. А.Кушакевичнинг ушбу тўпламда нашр этилган мақоласи хунармандчиликнинг кулолчилик ишлаб чиқариш соҳасига бағишланган. Тўпламда А.Д.Гребенкин Зарафшон водийсида яшовчи ўзбек қабилалари, тил шевалари, антропологик қиёфаси, хўжалик фаолияти, турмуш тарзи ва бошқа энг муҳим этнографик маълумотларни келтирган (Лунин Б.В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. Туркетанский кружок любителей археологии (1895-1917) –Т., 1958. -318 с.).

1872 йилда Москвада очилган Бутунроссия политехника кўргазмасига мўлжалланган «Русский Туркестан» номли тўплам нашр қилинган. Мазкур кўргазма Туркистон бўлими каталогида Ўрта Осиё халқларининг кийимлари, хунармандчилик маҳсулотлари, гилам, кумуш безаклар, қурол-асаҳалар ва бошқа маиший буюмларнинг намойиши томошабинларда катта қизиқиш уйғотган.

Қашқадарё аҳолисининг моддий маданиятига оид илмий манбалар жумласига Н.А.Маев, Н.Н.Покотило. С.Васильев, М.Галкин, А.Л.Кун, М.И.Бродовский, И.Краузе, В.П.Наливкин, М.В.Грулев, И.И.Гейер, А.Губаревич-Радобилский, А.Шишов, Н.А.Фридрих, Н.Н.Харузин,

Мирзо Салимбекларнинг ишларини келтириш мумкин. Ушбу муаллифлар XIX аср охири – XX аср бошларигача бўлган даврда Бухоро амирлиги аҳолисининг кундалик турмуш тарзи, савдо-сотиқ муносабатлари, хўжалик фаолияти ва ўлканинг географик ўрнига доир далилий маълумотларни тўплашган.

Н.Н.Харузин кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадор туркий халқларнинг ҳаётини уй-жойлари ривожланиши тарихига доир маълумотлар асосида ўрганган. Бу мақола ўша давр учун маълум даражада муҳим бўлган бўлсада, аммо ҳозирги даврда назарий жиҳатдан хулосалари анча эскирган.

Маълумки, Ўрта Осиёда яшаган халқлар қадимдан бир-бирлари билан яқин иқтисодий ва маданий алоқада бўлганлар. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ва Бухоро амирлигида маҳаллий аҳолиси ўз кийим-кечакларини бўз, олача, карбос, парпаша, шойи, атлас каби матолардан тайёрлашган. Бу даврда кенг тарқалган матолардан олача ҳисобланган. Бу матодан эркаклар ва аёллар учун кундалик кийимлар тикилган. Олача ўз номи билан ола, яъни йўл-йўл мато бўлиб, унинг йўллари майда, тор бўлган. Қирғизларда унинг ҳаво ранг, қизил рангдаги тури мавжуд эди. Зарафшон водийсида эса, А.Д.Гребенкиннинг келтиришича, яшил йўл-йўлли олача машҳур ҳисобланган. XX аср бошида олача тўлиқ ипакдан тайёрланган. Олачадан эркаклар учун тўн тикилган. Қарши шаҳри олачаси Ўрта Осиёда машҳур бўлиб, Лағмон қишлоғилик Охун исмли тадбиркорнинг олача цехи мавжуд эди, уни «Охун олача» деб номлашган.

Бухоро амирлигида ўзбекларнинг анъанавий кийимлари ва мато турлари ҳамда заргарлик буюмлари ҳақида Д.Н.Логофет. А.П.Хорошхин асарларида ҳам баъзи маълумотлар мавжуд.

Воҳада XIX асрнинг 80-90 йилларидан бошлаб, тўқимачилик саноатида капиталистик муносабатларнинг пайдо бўла бошлаганлиги, йирик туқимачилик корхоналарининг кўпайиб бориши сабабли маҳаллий тўқимачилик дастгоҳлари касодга учраганлиги ҳақидаги маълумотлар ўша давр муаллифларининг асарларида ҳам акс этган.

А.Шишов XX аср бошларида тожик халқининг таомлари ва ичимликларини ўрганган бўлса, Н.А.Фридрих эса Бухоро амирлиги аҳолисининг меҳмондўстлиги, миллий таомларидан палов ва унинг турлари, турли хил ширинликлар ва қандолатчилик маҳсулотларининг тайёрлаш усуллари баён этган. Ушбу асарлар Қашқадарё воҳаси аҳолисининг анъанавий таомларини қиёсий ўрганишда ҳам муҳим ҳисобланади.

И.И.Гейер томонидан Қарши бекликлари аҳолисининг қишлоқ хўжалиги экинлари, етиштирилган мева ва сабзавотлар ҳамда улардан тайёрланадиган озиқ-овқатлар, ошхона идишлари ҳақида баён этилган.

XX аср бошларида Шарқий Бухоро аҳолиси этник таркиби ва жойлашуви рус саёҳларининг асарлари, кундаликлари ва ҳарбийлар тўпламларида жуда ҳам кам учрайди. Тадқиқотчи Н.Ф. Ситняковский ўзбек кўнғиротларининг шажаравий жадвални тузиб, ўз асарида илк бор Ғузор Бойсун, Шеробод бекликларида яшаган кўнғиротларнинг шажара рўйхатини эълон қилган (Ситняковского Н.Ф. К генеалогический таблице узбекского рода Кунград. – Известия Туркестанского отд. Т.7. –СПб., 1907).

Қашқадарё воҳасида яшовчи кўнғирот, катагон, турк каби уруғлар ҳақидаги маълумотлар Д.Н. Логофетнинг асарида ҳам маълумотлар учрайди (Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарсков ханства и его современное состоянию. –СПб., 1909)

Юкорида келтирилган манбаларни ўрганиб, шундай хулосага келиш мумкин, уларнинг умумий хусусияти шундаки, барчаси, асосан, подшо Россиясининг ташқи сиёсати таъсирида ёзилган махсус ҳисоботлар бўлиб, империянинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий манфаатларига хизмат қилган. Улар орасида Туркистон ўлкаси аҳолиси моддий маданиятини кенг кўламда тадқиқ этувчи махсус ишлар мавжуд эмас.

Демакки, юкоридаги асарлар, ҳарбийлар, сайёҳлар, давлат амалдорлари томонидан жамланган бўлиб, илмий таҳлил услубларига эга бўлмаган, асосан аҳолининг турмуш тарзи, бошқарув тизими, иқтисодий

хаёти ва сиёсий жараёнлари ҳамда урф-одатлари тўғрисидаги тавсифий маълумотлар келтирилган.

Кўринадики, Қашқадарё воҳаси аҳолисининг моддий маданиятини этнологик жиҳатдан илмий тадқиқ этишда подшо Россиясининг истилосидан то 1920 йилча бўлган давр асарларини қамраб олган. Ушбу даврдаги асарлар, фақатгина минтақа доирасида эмас, балки Ўрта Осиёда Туркистон ўлкаси, Бухоро ва Хива хонликларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ҳам ёзганлиги билан ажралиб турган. Мавжуд асарлар ва мақолалар муаллифлари томонидан воҳа аҳолисининг этномаданиятига тегишли баъзи этнографик маълумотлар баён этилган, аммо шу давр асарларида ўрганилаётган воҳа тўғрисидаги тўлақонли тадқиқотлар мавжуд эмас.

Хуллас, юқорида тилга олинган муаллифлар асарларида муҳим далилий маълумотлар келтирилган, аммо улар аниқ илмий этнографик асосларга эга бўлмаган.

Воҳамизга келган хорижлик сайёҳлар, элчилар, савдогарлар ва махсус тайинланган кишилар подшо Россиясининг мафкурасига таянган ҳолда Ўрта Осиёнинг табиий ва меҳнат ресурсларини ўзлаштириш бўйича метрополия талаблари ҳамда маҳаллий аҳолининг антропологик тавсифига, қиёфасига оид яратилган асарларини таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур асарлардаги маълумотлар алоҳида аҳамиятга эга, чунки ушбу давр учун қимматли материалларни ёзиб қолдиришган. Мавзунинг тарихшунослигини ўрганишда, турли манбалар, тарихий-этнографик адабиётлардан фойдаланилди. Хусусан, тарихий адабиётлар, фольклор, тарихий ёдгорликлар, этнографик маълумотлар, археологик қазилмаларда топилган буюмлар, тасвирий санъатнинг турли намуналари мавзунинг ёритишда бевосита ёрдам берди. Воҳа этнографиясини ушбу даврини янада тўлақонли ва чуқур илмий тадқиқ этиш зарурияти тобора сезилмоқда.

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИДА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

Турсунов Жовли Нарзуллаевич,

Термиз давлат университети Фуқаролик жамияти кафедраси доценти, тарих фанлари
номзоди

Аннотация: Мақолада XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида Шеробод, Денов, Бойсун, Термиз, Қарши, Шахрисабз, Китоб, Ғузур каби шаҳарлар ҳунармандчилик марказлари эканлиги батафсил ёритилган. XX асрнинг бошларига келиб Россия ва бошқа чет давлатларда цех ва фабрикаларда ишланган замонавий саноат маҳсулотларининг кириб келиши, ҳамда уларнинг маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотларига таъсири ўз аксини топган.

Калит сўзлар: ипак, пахта, маҳсулот, шаҳар, кишлок, газлама, ҳунарманд, кашта, гилам, ёғочсозлик, темирчилик, этикдўзлик, устахона, қайиқ, кулол.

Аннотация: В статье автор освещает роли и место ремесленных центров городов

Шерабад, Денау, Термез, Байсун, Карши, Китаб, Шахрисабз, Гузар в жизни населения южных областях Узбекистана в конце XIX - начале XX века. Также в статье автор даёт ценные сведения, как промышленная продукция Российских и европейских заводов и фабрик вытесняет продукции местных ремесленных прилавков местных рынков.

Ключевые слова: шёлк, хлопок, продукция, город, село, ткань, ремесленник, узор, ковёр, резьба по дереву, кузнечество, сапожник, мастерская, лодка, гончар.

Abstract: In the article the author irradiates the roles and revenge of the craft centres of the cities of Sherabad, Denay, Termez, Baysun, Karshi, Kitab, Shahrissabz,